

## Курьерлик хизматини кўрсатиш бўйича

### ШАРТНОМАСИ № 14

«21» январ 2022 йил

Бухоро ш.

Бизларким, Ушбу шартномани тузиб имзо чекувчилар, «Ўзбекистон почтаси» АЖ Бухоро филиали директори О.У.Ҳайдаров биринчи томондан (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) ҳамда Судлар фаолятини таъминлаш департаменти Бухоро вилоят ҳудудий бўлими (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан рахбари А.Адизов иккинчи томондан қуйидаги мазмунда шартнома туздилар:

### I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ижрочининг ходими Буюртмачининг таклифига кўра юборилаётган барча хат-хабарларни бевосита Буюртмачининг иш жойида қабул қилади ва етказиб берилишини таъминлайди.

### II. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. Ижрочи мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмачи томонидан юборилаётган хат-хабарларни қабул қилиб олиш, кўрсатилган манзиллар бўйича юборилишини таъминлаш.

2.1.2. Буюртмачи томонидан юборилаётган хат-хабарларни қабул қилиб олишда камчиликларга йўл қўйилмаганлигини текшириб кўриш, камчиликлар аниқланган ҳолда бартараф этиш учун Буюртмачига қайтариб бериш.

2.1.3. Буюртмачи томонидан сўров берилганда қабул қилиб олинган хат-хабарлар бўйича қабул қилиб олинган санадан бошлаб 2 (иш куни) муддатгача бўлган вақтда маълумот бериш.

2.1.4. Буюртмачи томонидан жўнатилаётган хат-хабарларни қабул қилиш учун хафтанинг душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари бевосита Ижрочи Буюртмачининг иш жойига келиши.

2.1.5. Туманлар бўйича Буюртмачи жўнатиш учун тақдим этган почта жўнатмаларини саккиз иш кунида ва шаҳар ичида почта жўнатмаларини беш иш кунида (шанба, якшанба ва дам олиш кунларини ҳисобга олмаган ҳолда) кўрсатилган манзилларига етказиб беришни таъминлаш.

#### 2.2. Буюртмачи мажбуриятлари:

2.2.1. Жўнатиш учун тақдим этилаётган хат-хабарларни фақат буюртма шаклида юборилишини таъминлаш.

2.2.2. Жўнатиш учун тақдим этилаётган хат-хабарларни 2 (икки) нусхада тузилган реестр орқали топширилишини таъминлаш.

2.2.3. Жўнатиш учун тақдим этилаётган хат-хабарларни ўрнатилган тартиб қоидалар асосида расмийлаштирилишини (олувчининг манзили, исми шарифини тўлиқ ёзилишини ва ҳоказоларни) таъминлаш.

2.2.4. Жўнатиш учун тақдим этилаётган хат-хабарлар учун тариф бўйича ҳақ тўлашни кафолатлаш.

2.2.5. Почта ходими томонидан жўнатилаётган хат-хабарлар бўйича эътироз билдирилган тақдирда бартараф этиш чораларини кўриш.

2.2.6. Буюртмачи таклифига кўра «Ижрочи» хат-хабарларни етказиб берилишини таъминлаётганлиги учун 1 донна буюртмали хат учун **тариф асосида 6500** (олти минг беш юз) сўмдан ҳақ тўлайди.

2.2.7. Кўрсатилган почта хизматлари учун тақдим этиладиган ҳисоб китоблар асосида тўловни хизмат кўрсатилган кундан бошлаб 1 ой ичида пул ўтказиш йўли билан ўз вақтида тўлайди.

2.2.8. Ижрочи томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг тарифлари ошганда, хизмат ҳақларини ўзгартириш, Ижрочи томонидан 10 кун олдин ёзма равишда берилган огоҳлантириши орқали амалга оширилади.

2.2.9. Ижрочи томонидан шартноманинг 2.1.5 бандида белгиланган муддатда мажбурият бажарилмаса жўнатилган буюртмали хат учун ҳисобланган тўлов суммаси тўланмайди (кўрсатилган хизматлар ҳақидан чегирилади) *Шартнома суммаси: 300 000 000 (Ҳақ юз миллион) сўм*

### III. Алоҳида шартлар.

3.1. Томонлар ушбу Шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилишга мажбурдирлар.

3.2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган тарифлар ўзгарганда ушбу шартноманинг 2.2.4 ва 2.2.6 - бандлари томонларнинг ўзаро келишувига асосан қайта кўриб чиқилади.

### IV. Форс мажор ҳолатлари

4.1. Ижрочи жўнатилган хат-хабарлар ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ёки Ҳукумат (ДХХ, Прокуратура, Суд ва Ички Ишлар) идораларининг Қарорларига кўра олиб қўйилиши ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижасида ўз вақтида ёки умуман етказиб берилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

### V. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

5.1. Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 2.2.4 ва 2.2.6 бандлари тўлиқ бажарилмаганлиги тасдиқланса Буюртмачи ҳар бир тўлов кечиктирилган кун учун 0,1 фоизи миқдорида, лекин шартнома суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда Ижрочиға жарима (пеня) тўлайди.

5.2. Ижрочи томонидан ушбу шартноманинг 2.1.4 ва 2.1.5 бандларидаги кўрсатилган хизматлар лозим даражада бажарилмаса хат-хабарларнинг жорий ойдаги ўртача нархининг 0,1% миқдорида, лекин хат-

хабарларнинг жорий ойдаги ўртача нархининг 50% дан кўп ортиқ бўлмаган миқдорда Буюртмачига ҳар бир ҳолат бўйича жарима (пеня) тўлайди.

5.3. Мазкур шартномани бажариш юзасидан низолар юзага келган ҳолларда, томонлар низони музокара орқали ҳал этиш чораларини кўрадилар. Музокара орқали умумий ечимга келиш имкони бўлмаган тақдирда, томонлар низони ҳал этиш учун Бухоро туманлараро иқтисодий судига мурожаат этадилар.

## VI. Шартноманинг амал қилиш муддати.

5.3. Ушбу Шартнома 2022 йил 5 январдан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади. Агарда шартноманинг муддати тугагунга қадар бир ой олдин томонлар шартнома бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш хати бермаса мазкур шартнома амал қилиш муддати кейинги муддатга ўзайтирилади.

5.4. Ушбу Шартномага томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

5.5. Шартнома Буюртмачи тащаббусига кўра муддатидан олдин бекор қилиш Буюртмачи томонидан Ижрочини ўзининг шу тўғрисидаги таклифини 1 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш орқали амалга оширилади.

5.6. Ижрочи ушбу шартномани Буюртмачи томонидан 2.2.4 ва 2.2.6 бандлари бажарилмаган тақдирда бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда Буюртмачига ёзма равишда хабар қилинади ва хат-хабарлар умумий асосларда қабул қилинади.

5.7. Ушбу Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам бирдек ҳуқуқий кучга эга ва томонларнинг ҳар бирида сақланади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### ИЖРОЧИ:

“Ўзбекистон почтаси” АЖ  
Бухоро филиали  
200100 И.Мўминов кучаси 8-уй  
Х/Р 20210000600155266049  
АТ“Алоқа банк” Бухоро шах.  
МФО- 00961 СТИР: 200833833  
ОКОНХ: 52100, Тел:223-33-60  
*Х/Р: 2021 0000 600155266268*  
*МФО: 00101*



Директор

О.У.Ҳайдаров

### БУЮРТМАЧИ:

Манзили: Бухоро шаҳар  
Янги ҳаёт кучаси 122-уй  
тел: (65) 221-85-73 факс: 221-10-11  
Ҳисоб рақами: 401410860064017033232011002  
Ҳисоб рақами: 23402000300100001010  
Банк номи: "Марказий банк" ХКМК  
Тошкент, СТИР: 207251421  
МФО: 00014 ОКЭД: 84112



Бўлим бошлиғи:

А.Адилов